Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2021 йил 12 августда
1000-сон билан

**“ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН”**

Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 26 июлдаги 4-сон мажлис баёнига
1-илова

# Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти

# У С Т А В И

Тошкент – 2021

## I. Умумий қоидалар

**1.** Мазкур Устав Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда – Институт) мақоми, мақсади, вазифалари ва фаолияти асосий йўналишларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

**2.** Институт муассаса ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

**3.** Институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5040-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сон қарорига асосан “Маънавият тарғиботчиси” таълим муассасаси негизида ташкил қилинган.

**4.** Институт “Маънавият тарғиботчиси” таълим муассасасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади

**5.** Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, ушбу Уставга асосан амалга оширади.

**6.** Институт фаолиятини ихтиёрийлик, қонунийлик, коллегиаллик, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади.

**7.** Институт белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

**8.** Ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Институт бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

**9.** Институт ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган  рамзига, банкда ўз миллий ва валюта ҳисоб рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

**10.** Институт мазкур Уставга мувофиқ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI * DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

**11.** Институт ўз Устав мақсади ва вазифаларига эришиш учун миллий ва халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ва улардан чиқиши, ҳамкорликка доир битимлар тузиши мумкин.

**12.** Институт Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

**13.** Институтнинг фаолияти муддати чегараланмаган.

**14.** Институтнинг номи:

ўзбек тилида:

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти;

рус тилида:

Институт социально-духовных исследований при Республиканского центра духовности и просветительства;

инглиз тилида:

Institute of Social and Spiritual Research at the Republican Center for Spirituality and Enlightenment.

**15.** Институтнинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органи жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 9-уй.

## II. Институтнинг мақсад ва вазифалари

**16.** Институт фаолиятининг асосий мақсади маънавий-маърифий соҳани илмий асосда ривожлантиришга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, унинг натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, ушбу йўналишда илмий экспертизани йўлга қўйиш бўйича илмий-тадқиқот олиб боришдан иборат.

**17.** Институт мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

маънавий-маърифий ишлар ҳолати, миллий ғоянинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, жамият барқарорлигига салбий таъсир этувчи таҳдидлар ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий изланишлар олиб бориш;

мамлакатдаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини тадқиқ қилиш, баҳолаш ва яхшилаш бўйича илмий-амалий таклифлар тайёрлаш;

маънавий-маърифий тарғибот ишларини амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан замонавий тарғибот технология ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

аҳолининг ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, Интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси асосида тарбиявий ишлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари ва кўрсаткичларини жорий қилиш;

вазирликлар ва идораларда, жумладан, таълим тизими, маҳалла ва ҳудудлар бўйича маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

соҳани илмий асосда ривожлантиришга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, илмий экспертизани йўлга қўйиш;

дунёнинг мафкуравий манзарасини ўрганиш, таҳлил қилиш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишда миллий ва умуминсоний қадриятларга мос хорижий тажрибани амалиётга жорий этиш;

маънавий-маърифий соҳага масъул ходимларнинг малакасини ошириш.

## III. Институтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**18.** Институт белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Вазирлар Маҳкамасига ўз фаолияти юзасидан ҳисоботлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Институтга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни Республика Маънавият ва маърифат маркази орқали белгиланган тартибда киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан Институт ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни сўраб олиш;

Институтга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини, шу жумладан хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар юзасидан тузиладиган ишчи гуруҳлар йиғилишларида, эксперт кенгашлари ва комиссиялар ишида иштирок этиш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2- *

илмий-амалий конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш, халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

соҳага доир дастурлар, ўқув қўлланмалари, илмий асарлар тўпламлари, илмий-амалий конференциялар материаллари, методик тавсиялар, шунингдек, ходимлар малакасини ошириш бўйича қўлланмалар тайёрлаш ва нашр қилиш;

илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича таянч докторантура ташкил қилиш, илмий даражалар бериш учун илмий кенгаш тузиш;

шартнома асосида илмий муассасалар, олим ва мутахассисларни жалб қилиш;

ўз ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилиш.

Институт қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

**19.** Институт:

қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши, шу жумладан молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказувчи органни ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари тўғрисида олдиндан хабардор қилиш ҳамда унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

нодавлат нотижорат ташкилоти вакилларининг чет мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиши;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиши;

рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

## IV. Институтнинг раҳбар органлари

**20.** Институтнинг раҳбар органлари қуйидагилар:

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари;

Кенгаш;

Директор;

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Институтнинг олий раҳбар органи ҳисобланади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI * DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

**21. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари**:

Институтнинг уставини тасдиқлайди, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

Институтни қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади;

Кенгаш аъзоларини тайинлайди;

Директорни лавозимига тайинлайди ва озод қилади;

Институтнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш учун аудиторлик фирмаларини жалб қилиш;

Институт тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Институтни тугатиш ҳақида қарор қабул қилади;

Институтни тугатилганда рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

**22.** Мазкур Устав, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалари мазмунига кўра ҳал этилиши Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ваколатига киритилган масалалар Институтнинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.

**23. Кенгаш** Институтнинг коллегиал раҳбар органи ҳисобланиб, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг қарорига мувофиқ жами 7 нафар аъзодан – Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари ҳамда Институт директоридан иборат таркибда шакллантирилади.

**24.** Кенгаш аъзоларининг ваколат муддати билан 5 (беш) йил. Ваколат муддати тугаган Кенгаш аъзолари ўз ваколатини янги аъзолар сайлангунга қадар амалга оширади.

**25.** Кенгаш йиғилишлари заруратга қараб, аммо бир йилда камида икки марта чақирилади.

Кенгаш йиғилишлари аъзолари ёки директор ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Кенгаш йиғилиши кун тартибига масалаларни киритиш ҳуқуқига Кенгаш аъзолари ва Директор эгадир.

**26.** Кенгаш йиғилиши мавжуд (сайланган) аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этганда қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

**27.** Кенгаш қарорлари аъзоларнинг очиқ овоз бериш йўли билан аъзоларнинг оддий кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

**28.** Кенгаш ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

Институтнинг халқаро ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа уюшмаларга аъзо бўлиши ва чиқиши ҳақида қарор қабул қилиш;

Институт рамзини тасдиқлаш;

Институтнинг тузилмаси, йиллик бюджети ва молиявий ҳисоботини тасдиқлайди;

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2- O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Институтнинг даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди, мол-мулкини бошқаради ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулкидан самарали фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

Институтнинг бўлинмалари, ваколатхоналари ва филиалларини ҳамда бошқа тузилмаларини (тижорат ва нотижорат) ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, низомларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг раҳбарларини тайинлаш ва озод қилиш;

Директорнинг ҳисоботини қабул қилиш;

Институт фаолиятида тадбирларни ташкил этиш;

Институтнинг стратегик мақсадларини белгилаш, истиқболли дастурлари ва йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Устав мақсадларини амалга оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**29.** Кенгашнинг ваколатига кирувчи масалалар Институтнинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.

**30.** Директор Институт фаолиятига жорий раҳбарликни амалга ошириб, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари томонидан 5 йил муддатга тайинланади.

**31. Директор:**

Институт фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ишларни таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Институт фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар бўйича мустақил қарор (буйруқ)лар қабул қилади ва фаолиятни амалга оширади;

Институтнинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

Институт ходимлари билан меҳнат муносабатларига киришади;

Институт номидан ишончномасиз иш юритади;

Институт номидан бошқа шахсларга ишончномалар беради;

Институт ҳужжатларига биринчи имзо қўяди;

Институт фаолиятини яхшилашга ва юритишга оид лойиҳалар ишлаб чиқади ва Кенгаш муҳокамасига тақдим этади;

Институт ходимларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантириш шакллари, лавозим маошларига устама ва қўшимча тўловларни белгилайди, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича буйруқлар чиқаради, уларни интизомий жазога тортиш масалаларини ҳал қилади;

Институтнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, бўлим бошлиқлари ва ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлайди;

Институтнинг мол-мулкини тасдиқланган смета доирасида тасарруф қилади, мол-мулкни бошқариш тўғрисида қарорлар қабул қилади, молиявий, тўлов-ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

DAVLAT RO'YXATIDAN OLINDI -2- O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Институт номидан юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлари билан шартнома ва меморандумлар тузади;

зарур ҳолларда навбатдан ташқари Кенгаш йиғилишини чақиради;

Устав мақсадларини амалга оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига зид бўлмаган, шунингдек Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ва Кенгашнинг мутлақ ваколатларига кирмайдиган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

**32.** Директор меҳнат таътилида, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, хизмат сафарида бўлган ёки бошқа сабабларга кўра ўз ваколатларини бажара олмаган ҳолларда унинг ваколатлари Директор буйруғи билан вақтинча бошқа шахсга юклатилиши мумкин.

**33.** Директор лавозимдан озод қилиниши, вафоти, ишдан четлаштирилганлиги муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра Кенгаш томонидан унинг вазифасини вақтинча бажарувчи тайинланиши мумкин.

## V. Институтнинг мол-мулки ва пул маблағлари ҳамда уларни шакллантириш манбалари, молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш

**34.** Институт, унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа тузилмалар уставда кўрсатилган фаолиятларини олиб борилишини моддий ва молиявий таъминлаш учун бинолар, турар-жой фонди, транспорт воситалари, оргтехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари ва бошқаларга эгалик қилишлари мумкин, шунингдек Институт ва унинг таркибидаги бўлинмалар ва бошқа тузилмаларнинг мулклари Институтнинг умумий мулки ҳисобланади.

**35.** Институт ва унинг бўлинмалари пул маблағлари ва мол-мулкини шаклланиш манбалари қуйидагилар:

Давлат бюджетидан ажратиладиган тегишли маблағлар;

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI * DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

**36.** Институтнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш аудиторларни (аудиторлик фирмаларини) жалб қилиш йўли билан амалга оширади.

Аудиторлар йиллик хисобот ва балансга хулоса тайёрлайди.

Институтнинг барча мансабдор ва масъул шахслари аудиторларнинг сўровига биноан зарур ахборот ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

**37.** Институт ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

## VI. Институтнинг ҳудудий бўлинмалари ва уларнинг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари

**38.** Институтнинг бўлинмалари, ваколатхоналари ва филиалларини ҳамда бошқа тузилмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги қарор Кенгаш томонидан қабул қилинади.

**39.** Институтнинг бўлинмаларини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларнинг раҳбар органлари бўйича батафсил қоидалар бўлинмалар низомида белгиланади.

**40.** Институт бўлинмалари ҳамда бошқа таркибий тузилмаларнинг мол-мулклари Институт мулки ҳисобланади ҳамда улар Институт мулки каби тасарруф қилинади.

## VII. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

**41.** Институт уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг қарори асосида амалга оширилади.

**42.** Институт уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтгач қонуний кучга эга бўлади.

**43.** Институтни қайта ташкил этиш Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг қарорига асосан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

**44.** Институт фаолияти қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда суд томонидан тўхтатилиши мумкин.

**45.** Институтни тугатиш Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI * DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

**46.** Институтни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

**47.** Институтни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**48.** Институт тугатилганда кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк Институт раҳбар органларнинг аъзолари ёки Институт ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан устав мақсади йўлида ёки хайрия мақсадларида фойдаланилади.

**49.** Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас.

**50.** Устав қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда ифода қилинган бандлари ҳақиқий эмас.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

**Директор в.б.** **М. Қуронов**

**Тикилган, рақамланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган**

«10» (ўн) варақда

Институт директори в.в.б        М. Қуронов

имзо

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI